*Янги йилимизни мунис ва дилбар аёлларимиз тимсолида нафосат йили, гўзаллик йили, меҳр-муҳаббат йили деб аталиши маънавиятимизга янгича мазмун ва тус беради, маънавий ҳаётимизда янги муҳим босқич бўлиб қолади.*

**Ислом КАРИМОВ.**

*Ништондорларимиз*

## УШАЛГАН ОРЗУ

***Бибисоранинг беқарор болалик кўнгли ўша пайтларда жисмоний тарбия ўқитувчиси, учувчи, ҳуқуқшунос бўлиш орзусида эди. У 8-синфда ўқиб юрган кезларида мактабга келган янги — тарих фани ўқитувчиси Бону Қодированинг дарс ўтиш маҳорати, болажонлиги ёш Бибисоранинг қалбига келажакда айнан мана шу Бону опадек тарих муаллимаси бўлиш орзусини ўчмас қилиб муҳрлади.***

Бибисора Ҳасанова мактабни тугаллагач, буюк орзу уни 1980 йилда Тошкент Давлат педагогика институтининг (ҳозирги Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университети) тарих факультетига етаклади. 1985 йилда олий даргоҳни муваффақиятли тугаллаган Бибисора ўз фаолиятини Ҳамза туманидаги 227-мактабда бошлади. Шундан сўнг ўз-ўзидан тинимсиз изланишлар, интилишлар ҳам бошланди.

Ҳозирги кунда Яккасарой туманидаги 319-мактабда ўқувчиларга тарих, ҳуқуқ фанларидан сабоқ бераётган Бибисора Ҳасанова ёш авлодга тарихимизнинг ўқилмаган саҳифалари хусусида билим бериб бормоқда. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов ҳам «Модомики ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур», деб бежиз таъкидламаганлар.

Изланувчан муаллима бугунги кунда ўз вақтида ўзбек халқи тарихига, ўтмишига, бутун дунёни ҳайратга солган Амир Темурдек Соҳибқирон бобомизга, умуман аждодларимиз қолдирган жумлаи жаҳонга кўз-кўз қилса арзигулик бой тарихий меросимизга қай даражада ёндошилганлигини қалбдан ҳис этиб, болаларга ўтмишимизни ҳаққоний, очиқ-ойдин кўрсатиб беришга эришмоқда.

Ҳар бир дарсларида янгилик яратишга интилаётган ўғил-қизлар тафаккурида истиқлол чечакларини ундиришга эришаётган тиниб-тинчимас мураббия ўз меҳнатининг ширин меваларини татимоқда. У яқиндагина республика миқёсида ўтказилган «Йил ўқитувчиси — 98» кўрик-танловида иштирок этиб, ўн тўрт нафар қатнашчи орасида муваффақиятга эришиб, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Тўрт босқичдан иборат ушбу кўрик-танловда Бибисора Ҳасанова ўзининг ҳақиқий изланувчан, янгиликка интилувчан ўқитувчи эканлигини яна бир бор намоён эта олди. У бу танловда ҳакамлар ҳайъатининг қарорига мувофиқ «Бунёдкор ўқитувчи» унвонига мушарраф бўлди.

— Иш фаолиятимни эндигина бошлаган даврларда ўқувчиларда бўлаётган сиёсий воқеаларни таҳлил қилиш ва мустақил фикр билдириш қобилиятини ривожлантиришни ҳал этаман, деган мақсадни кўнглимга тугиб қўйган эдим, — дейди Бибисора Ҳасанова. — Бугунги кунда мен ўқувчиларимнинг ўзларини бошқаришларини, олий ўқув юртларига киргач севинчдан изҳор қилган дил сўзларини эшитгач, мен озми-кўпми ўз мақсадимга эришдим, деб ўйлайман.

Вақтлар ўтади, 319-мактабда таълим олаётган ўғил-қизлар улғайиб келажак авлодларига юртимиз тарихини ўз аксидай қилиб ҳикоя қилишганда авлодлар сўзсиз улардан бу тарихни кимдан, қаердан ўргангансиз, дея сўрашганда ўйлаймизки, улар ҳеч иккиланмасдан Бибисора Ҳасановадан, деб жавоб беришади.

*Наргиза ПИРНАЗАРОВА.*

*Саховат*

## ХАЙРЛИ ИШНИНГ ҚАНОТИ

***Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6 йиллиги арафасида шаҳримизнинг «Қорасув-2» даҳасида жуда қисқа муддатда қад ростлаган, барча қулайликларга эга замонавий «Гулнора она» оила марказининг тантанали очилиши Оила йилида амалга оширилган кенг кўламдаги ишлардан биридир.***

***Оила маркази, унинг фаолияти ва вазифалари хусусида марказ директори Муяссар ИСМОИЛОВА қуйидагиларни сўзлаб берди:***

— Марказни ташкил этишдан асосий мақсадимиз ҳар бир оила қурувчисида юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни мустақил оила қуришга тайёрлаш, уларга қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримизни кенгроқ тушунтириш, йигит-қизларимизда маънавий ҳамда жисмоний соғлом турмуш тарзини, тежамкорлик тушунчасини такомиллаштириш, касб-ҳунар ўргатишдир.

Ҳозирда ташкилий масалаларни ҳал қилиш билан бирга ёшларимизни шу марказга жалб қилиш ишларини олиб бораяпмиз. Марказимизда йигит-қизларнинг оилавий ҳаётга тайёрланишлари, жумладан, эртанги она, мустақил уй бекаси бўлмиш қизларимизни бичувчи, тикувчи, тўқувчи, пазанда, оилавий ҳамшира, компьютерда ишлаш йўналишлари бўйича турмушга тайёрлаб бориш юзасидан барча шарт-шароитлар яратилган. Улар билан таниқли шоирларимиз, олимларимиз, тадбиркорларимиз учрашиб маърифат ва маънавият ҳақида, оилавий муаммолар ечимини топиш сирлари ва кўплаб бошқа мавзуларда қизиқарли маърузалар ўтказадилар.

Оила маркази ҳақида сўз борар экан, шу ишнинг ташаббускорлари тўғрисида албатта, тўхталиб ўтиш лозим. Халқимизда «Хайрли ишнинг қаноти бўлади» дейишади. Мирзо Улуғбек туманида истиқомат қилувчи Гулнора Йўлчиева ҳаётдан эрта кўз юмган ўғли хотирасига бағишлаб оилавий марказ қуриш таклифи билан чиққанида турли мутасадди ташкилотлар унинг бу хайрли ишини қўллаб-қувватладилар. Хусусан, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ушбу марказ қуришга 2 миллион сўм маблағ ажратди. Шунингдек, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Наврўз», «Камолот» жамғармалари ва бошқа ташкилотлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшишди.

Ўйлайманки, бундай инсонларни ватанпарвар, истиқлолга садоқатли, юртимиз келажагини ўйлайдиган инсонлар деб атаса бўлади.

Маълумки, Президентимиз 1999 йилни яхши ният билан Аёллар йили деб эълон қилдилар. Бунинг тагида катта маъно бор. Чунки миллатнинг бошланиши ҳам, яхшиланиши ҳам АЁЛдан, АЁЛ деганда гўзаллик, нафосат-у покизаликни тасаввур қилади киши. Ишончимиз комилки, Аёллар йилида ҳам кўпгина савобли, хайрли ишлар амалга оширилади.

*Маъмура РЎЗИЕВА.*

*Минбар*

## ЭЪЗОЗЛИ ВА АРДОҚЛИ

**Фарида АБДУРАҲИМОВА,**
**Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси:**

— Республикамиз Президенти Ислом Каримов иқтисодий ислоҳотларнинг изчил, барқарор амалга оширилишида хотин-қизларнинг ўрни алоҳида эканлигини таъкидлаганлари бежиз эмас. Бинобарин, аёллар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётда қанчалик фаол иштирок этса, жамиятнинг, оилаларнинг моддий-маънавий фаровонлиги даражаси ҳам шунчалик юксалади.

Ҳа, аёллар чин маънода Ватан кўрки ва қудратидир. Дарҳақиқат ҳар бир соҳада, ҳар бир меҳнат жабҳасида фидокор, вафодор, тадбиркор, оқила аёлларни учратиш мумкин.

Айниқса, жаҳонга юз тутган мустақил Ўзбекистонимиз аёллари юртимизнинг янада гўзал, қудратли бўлиши ва унинг довруғини жаҳонга ёйиш борасида фидокорона изланмоқдалар.

Мустаҳкам оиласию соғлом фарзандлари унинг учун энг бебаҳо бахтдир. Аёл нафақат севимли ёр ва меҳрибон она, балки оила бюджетини тўғри тақсимловчи тежамкор ҳисобчи ҳамдир.

Истиқлолдан кейинги йилларда хотин-қизларимизнинг жамият ҳаётидаги иштироки янада фаоллашди, улар иқтисодиётнинг турли соҳаларида жонкуярлик билан меҳнат қилишмоқда. Аёлларимиз турли халқаро анжуманлар, тадбирларда қатнашиб, Ўзбекистон довруғини жаҳон миқёсида ёйишга ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда.

1999 йилни муҳтарам Йўлбошчимиз Аёллар йили деб эълон қилдилар. Бунинг учун шаҳримиз аёллари номидан Президентимизга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Бу йил — бизга бўлган катта масъулиятдир. Инсон манфаатлари, Оила йилининг мантиқий давоми бўлган Аёллар йилида Оила дастурида улгурилмаган ишларни ниҳоясига етказишимиз зарур деб ўйлайман.

Ўзи аёл зотига кўп нарса керакмас. Унга икки оғиз ширин сўзу, озгина эътибор бўлса бас. Аёлнинг шижоати, аёл имконияти, аёл меҳри, аёлнинг сабр-тоқати, куч-қуввати чексиздир. Аёллар йилида аёлларимизни ижтимоий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ҳимоялайдиган дастурлар бўлади, албатта. Аёл, яъни она эъзозланади. Жамият, давлат томонидан бир карра эъзозланган, асраб-авайланган аёл — ўз фарзандини, ўз эркагини, ўз оиласини, ўз юртини — минг карра эъзозлашга қодирдир.

Аёллар йилида бир-биримизни ардоқлаш, асраб-авайлаш ҳаммамизга насиб этсин.

*Изҳор*

## САДОҚАТ МАЛИКАЛАРИ

**● Феруз АШРАФИЙ,**
**Ўзбекистон Архитекторлар уюшмасининг масъул котиби:**

— Аёл кишининг бахти унинг оналигида, оиласининг осойишталигида. Аёл ким бўлмасин, қандай юқори лавозимда ишламасин, агар у ўз бахтини шахсий ҳаётида тополмаса, унинг бахти мукаммал бўлмайди. Аслида аёлнинг бу ҳаётдаги ўрни ҳам ана шунда. Ҳар бир аёл аввало ўз қадрини биладиган, ўзини ҳурмат қиладиган ва бошқалар ҳурматига лойиқ бўлиши керак.

Янги йилнинг мунис ва дилбар аёлларимиз тимсолида нафосат йили, гўзаллик, меҳр-муҳаббат йили деб аталиши муборак бўлсин.

## СИРЛИ ОЛАМ

**● Эркин КОМИЛОВ,**
**Ўзбекистон халқ артисти:**

— Дунёда аёллар ички оламидан кўра сирлироқ, бойроқ, мураккаброқ оламни топиш мушкул. Уйнинг, хонадоннинг тинчлиги эса кўп жиҳатдан она, рафиқа, бека бўлиш аёлга дахлдор.

Донишмандлардан бири шундай деган экан: «Ер юзида токи битта бўлса ҳам аёл бор экан, демак янгиланиш учун ҳамиша имкон мавжуд». Ушбу ҳикматни назарда тутган ҳолда ўйлаймизки, аёлларимизнинг фаолиятлари, интилишлари Ватанимиз учун унинг ривожланиши, янгиланиши каби шарофатли жараёнларни қувватловчи чексиз имкониятлар яратаверади.

Ўйлаймизки, ушбу қутлуғ Аёллар йилида аёлларимиз янада қадрли ва эъзозли бўладилар.

## ЧЕКСИЗ ЭҲТИРОМ

**● Акбар РАҲИМОВ,**
**Ўзбекистон Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, таниқли кулол:**

— Аёллар чин маънода Ватан кўрки ва қадратидир. Ҳар бир соҳада, ҳар бир меҳнат жабҳасида фидокор, вафодор, тадбиркор, оқила аёлларни учратишимиз мумкин.

Айниқса, дунёга юз тутган мустақил Ўзбекистонимиз аёллари юртимизнинг янада гўзал, қудратли бўлиши ва унинг довруғини жаҳонга ёйиши борасида имкон қадар изланмоқдалар.

1999 йилнинг Аёллар йили деб эълон қилиниши аёлларга бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиромдир.

*1999 — Аёллар йили*



***Аёл борки, олам мунаввар***

# ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ

**Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг саҳифаси**

*Ғазалхонлик*

## ЁРИМНИ ДЕБ

*Боғаро гуллар терарман, севгили ёримни деб.*
*Гул тутиб кўнгил сўрайман, кўзи хуморимни деб.*

*Найлайин қулф урди кўнглим, бу ҳаёт бўстонида,*
*Не ажаб, тонг ёйса булбул лола рухсоримни деб.*

*Гар лабига ғунча шабнам қўнса тонгда марварид,*
*Ишқ шамоли баргли ўйнар, тонги баҳоримни деб.*

*Ғарқ бўлибман ишқ наҳрига бу ҳаётим борича,*
*Бўлмайин ғаввос нечун мен дурри шаҳворимни деб.*

*Мен вафо боғида ўсдим, кўрмадим ранжу алам,*
*Тўхтахон куйлар ҳамиша ул вафодоримни деб.*

Тўхтахон РАҲИМОВА.

## ОРАЗИНГ

*Оразинг олмиш хаёлим, хушсурат, пайваста қош,*
*Икки жоду офатидан бу жоним ўтда талош.*

*Ҳаста дилга шифо эрур меҳрингнинг офтоби,*
*Бокира тонг палласида кулиб чиққандек қуёш.*

*Ихтиёрдан жудо этмиш эй сумансо, қоматинг,*
*Ҳиндининг шамшоди қаддинг олдида эгмишдир бош.*

*Тун қароси хижолатда занжи зулфи олдида*
*Товланиб барқут мисол, солган дилларга оташ.*

*Маҳбуб кўнгил сирини, баён этса қаламга,*
*Элга ошкор айлаб барин, менга бўлмади сирдош.*

Маҳбуба РАҲИМЖОНОВА.

*Ҳикматлар*

## ВАФОЛИ ХОТИННИНГ БАҲОСИ ЙЎҚДИР...

Дил ороми яхши бўлса гар хотин,
Ёмон бўлса ундан худо асрасин.

**Саъдий ШЕРОЗИЙ.**

* * *

Ҳаёт гул дастасини боғлаб турувчи шероза ва ҳаё чашмасини яшнатиб турувчи гул аёллардир.

**Муҳаммад Жавҳар ЗАМИНДОР.**

* * *

Аёл оқилаю, эр ишбилармон,
Демак, кундан кунга обод хонадон.

**Хисрав ДЕҲЛАВИЙ.**

* * *

Энг яхши хотин шундай хотинки, у ҳаёли, ориятли бўлади. Энг муҳими оилада тўкинсочинлик ва бараканинг сабабчиси бўлади.

**Муиниддин ЖУВАЙНИЙ.**

* * *

Ҳар бир ота-она ўз қизларининг келажакда бахтиёр бўлишини истасалар уларни ёшликдан тарбия қилишлари, қиз юрагини илму маърифат, нури билан ёритишлари зарур!

**Олимат АЛ-БАНОТ.**

* * *

Хотиннинг иффати — эрнинг иззати.
Вафоли хотиннинг баҳоси йўқдир,
Вафосиз бўлса гар кўзига ўқдир.

*Маҳмуд ибн МУҲАММАД.*

*Мулоҳаза*

## БАҲОРДАЙ ЯШНАСИН

***Машҳур қизиқчиларимиздан бири: «Аёлларимизнинг исмлари қўшиб айтиладиган юзлаб қўшиқлар бор. Нега эркаклар ҳақида бирортаям қўшиқ йўқ?» деб ҳаммани кулдиради. Ҳар гал бу ҳангомани эшитганимда ўйлайман: «Аёл ўзига бағишланган қўшиқни тинглашдан кўра, умр йўлдошининг иссиқ сўзини афзалроқ билади!» Мен эркакларимизга «Шундай сўзни айтмоққа доимо имкон топинг» деган бўлардим...***



Ёзнинг ўрталарида нотаниш бир аёлдан мактуб олдим.

— «Биз бир-биримизга кўнгил қўйиб, сўнг турмуш курганмиз, — дея ёзганди у. — Жуда яхши яшардик. Ҳар қандай вақтда бир-бировимизни аяр эдик. Лекин қизалоғимиз туғилганидан кейин... Бир куни қаттиқ жанжаллашиб қолдик. Эримнинг овози тобора баландлашавергач, мен йиғлаб «Кетаман!» дедим. «Йўқол!» деди у. Шу биргина сўз юрагимга ўқдек тегди. Боламни кўтардиму ойимникига кетдим. Бироқ, эртасигаёқ йўлга термулиб, эримни кута бошладим. «Жаҳлидан тушса келиб олиб кетади» дедим. Йўқ, мана уч ҳафтадан ошдики, ҳалигача келмаяптилар. Менинг эса бош эгиб боришга ғуруриим йўл қўймайди. Наҳотки, шу арзу араз сабаб бўлиб, гулдек оиламиз бузилиб кетса? Ахир эрим қўпол сўз айтмаганида эди, мен аразлаб кетармидим? У киши-чи? Нега келмаяптилар? Оила бир ўйинчоқмидики, хоҳлаганда ўйнаб, жонига текканида ташлаб кетаверса? Бошим қотиб қолди. Нима қилай, маслаҳат беринг...»

Мен аёлга сабр-тоқат тилаб, йўл-йўриқ кўрсатиб мактуб ёзаётгандим, ҳамхонам телефонда кимдир сўраётганини айтиб гўшакни қўлимга тутқазди.

— Сиз менинг хатимни олувдингизми, — деди нотаниш овоз эгаси ҳаяжон аралаш. Сўнг жавобимни ҳам кутмай гапира кетди: — Сизни безовта қилганим учун узр, опа. Биласизми, мен ҳозир келинлик уйимдан қўнғироқ қилаяпман. Кеча қизимнинг дадаси ойимникига кириб бордилар. Биздан кечирим сўраб, уйимизга олиб келдилар.

— Унда нега уч ҳафтадан бери...

— У кишини тўсатдан командировкага жўнатишган экан, ишхонасидагилар. Шунга сал кечиккан эканлар-да!

Аёл билан хайрлашиб, гўшакни жойига қўйдиму ўйланиб қолдим. Хайрият! Бир оилага тинчлик-омонлик қайтди. Осойишталик қайтди. Бир оғиз яхши сўз, бир чимдим меҳр қўш тақдирнинг ингичка тортган ипларини қайта боғлади. Қаттиқроқ боғлади. Аслида биз турмушдаги энг қалтис ҳолатларда фақат ўзимизни ўйламасдан, балки яхши ният йўлида қурилган оиламиз манфаатини ҳам ўйламоғимиз зарур. Ахир ҳаёт инсон учун синов. Унда ким ғолибу ким мағлуб бўлиши аввало ўзимизга, айтажак жоиз-ножоиз сўзимизга, ҳар хатти-ҳаракатимизга боғлиқ!

Назаримда ўтган йилимиз бизга қайсидир жиҳатларда ўз сабоқларини берди. Оилалар тақдирига янада ҳушёрроқ қарашга ўргатди. Масъулият ва бурчларимизни шу йилда теранроқ англадик. Ўзаро меҳр туфайли оила умри янада узаяжагини ҳис этдик. Кўнглимиздан жой олган бу ёруғ ҳис-туйғулар бизни ҳар соҳада фидойи ва маърифатли бўлмоққа даъват этади.

Аёл қалби гулдан нозик. Меҳрнинг тафти унинг кўнглига баҳорий яшноқлик олиб киради. Хонадон бекаси учун бошпаноҳининг иззату эътиборидан улуғроқ бахт йўқ. Аёллар йилида ҳар бир аёл ана шундай бахтга муносиб бўлсин!

*Гулчеҳра ЖАМИЛОВА, журналист.*

*Бека*

## БОДОМЛИ ПИРОЖНИЙ

10 та бисквит пирожний тайёрлаш учун 1 стакан ун, 9 та оқсил, 10 та тухум сариғи, 1 стакан шакар ва ярим стакан туйилган бодом мағизи керак бўлади.

Хамир қуйидагича қорилади: кастрюлкада тухум сариғи шакар қўшиб ийлаб аралаштирилади. Бошқа идишда тухум оқсили чилчўп билан ийлаб, турғун кўпик ҳосил бўлгунча кўпиртирилади ва тухум сариғи қўшиб аралаштирилади, туйилган бодом мағзи қўшилган ун солинади ва барча масаллиқ қўшиб аралаштирилади.

Тайёр хамир листга ёйиб пиширилади. Духовкага қўйиш олдидан хамир устига туйилган бодом мағзи сепилади. Бисквит пишгандан кейин 10 та тенг қисмга — пирожнийларга кесилади ва устига қанд упаси сепилади.

*Юрган — дарё*

## ЛАТОФАТЛИ ПАРВОЗ БЕКАЛАРИ

***Улар аслида саноқлигина — Илмира, Шаҳло, Наргиза, Самира ва Нодира. Ўзбек қизларида учрайдиган назокату латофат, меҳмоннавозлигу сертакаллуф ила олдингизда жилмайиб турган бу борт кузатувчиларининг ҳусну тароватини кўрганингизда дилингиз қувнайди.***

Бир тасаввур қилинг-а, ойлаб ўзга юртда иш юзасидан фаолият кўрсатиб, гўзал Ўзбекистонингиз, туркий забон халқларингиз, ширин-шакар фарзандларингиз дийдорини соғингангизда олдингизда таниш овоз янграб қолса қандай аҳволга тушардингиз.

— Шундай ҳам бўлган, — дейди суҳбатдошимиз — борт кузатувчиси Илмира Солиева. — Ўшанда Малайзиядан Тошкентга ҳаво рейсида келаётган эдик. Бир йўловчимизнинг анча маъюслигини сездимда, секин олдига бордим.

— Ассалому алайкум! Амаки, қўрқманг. Ҳадемай Тошкент аэропортига бориб қўнамиз, — дейишимни биламан. Бояги одам:

— Эй, ўзимизнинг ўзбек тилида гаплашадиган кун ҳам бор экану. Олти ой бу халқнинг тил билмаслари билан гаплашавериб, ўзбегимнинг шеваларини соғиниб кетдима, деди. Атрофдан янграган кулги бутун самолётни тутди.

— 1995 йил эди. «Ойнаи жаҳон» орқали парвоз бекаси, яъни борт кузатувчилигига ўзбек қизлари орасида танлов бўлаётганлигини эшитиб, мақсадимни ота-онамга айтдим, — дейди Наргиза Абдураззоқова, — аввалига улар қарши бўлишди. Юртма-юрт кезишим ёқмади. Кейин ота-онанинг меҳри ҳам бўлакча-да, рози бўлишди. Танловдан муваффақиятли ўтдим. «Юрган—дарё», дейди доно халқимиз. Уч йил давомида кўпгина юртларда бўлдим. Германия, Москва, Истанбулларни кўриб келдим.

— Даставвал самолётга чиққанимда қўрқувданми, ҳаяжонданми юрагим тез урарди, — суҳбатга қўшилди Нодира. Менинг ҳам ота-онам аввалига қарши бўлишган эди. Кейин эса аста-секин тушуниб олишди. Бу касбни танлаганимдан афсусланмайман. Айниқса, тенгқурларимни, йўловчиларнинг ҳаваслa боқаётганини кўрсам касбимдан фахрланиб кетаман. Самира, Шаҳло, Наргиза, Илмира каби касбдош дугоналар орттирдим. Ўзбек қизи учун бундан ортиқ бахт борми ахир?

Қизлар кетишди. Сухандон қизнинг «Тошкент — Москва» йўналиши бўйича учувчи самолётга йўловчилар қабул қилинаётгани тўғрисидаги хабари янгради. Ҳадемай «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг яна бир само лочини кўкка парвоз этади. Йўлингиз бехатар бўлсин, қизларжон!

*Дурдона ТИЛЛАНАЗАРОВА.*



*Она бахти — фарзанд камолини кўришда.*
*Равиль Альбеков олган сурат.*

# 1999 йил — Аёллар йили



## ЯНВАРЬ

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 1 | 2 | 3 |
| 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 |
| 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 |
| 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 |

## ФЕВРАЛЬ

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 |
| 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 |

## МАРТ

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 |
| 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 |
| 29 | 30 | 31 | | | | |

## АПРЕЛЬ

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |
| 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 |
| 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 |
| 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | | |

## МАЙ

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 1 | 2 |
| 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 |
| 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 |
| 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 |
| 31 | | | | | | |

## ИЮНЬ

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 |
| 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 |
| 28 | 29 | 30 | | | | |

## ИЮЛЬ

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |
| 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 |
| 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 |
| 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 | |

## АВГУСТ

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | 1 |
| 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 |
| 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 |
| 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 |
| 30 | 31 | | | | | |

## СЕНТЯБРЬ

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 |
| 27 | 28 | 29 | 30 | | | |

## ОКТЯБРЬ

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 1 | 2 | 3 |
| 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 |
| 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 |
| 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 |

## НОЯБРЬ

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 |
| 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 |
| 29 | 30 | | | | | |

## ДЕКАБРЬ

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 |
| 27 | 28 | 29 | 30 | 31 | | |

## БАЙРАМ КУНЛАРИ

- 1 Январь — Янги йил
- 8 Март — Халқаро хотин-қизлар куни
- 21 март — Наврўз байрами
- 9 май — Ғалаба куни
- 1 сентябрь — Мустақиллик куни
- 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни
- 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни
- Рўза ҳайитининг биринчи куни
- Қурбон ҳайитининг биринчи куни.

# ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ЭНГ ЗАРУР ТЕЛЕФОНЛАР ХИЗМАТИ

### Марказий авария-диспетчерлик хизматлари

- Ичимлик суви тармоқлари — 133-15-95, 133-75-95.
- Шаҳар оқава сув тармоқлари — 35-40-11, 35-43-79, 35-61-83.
- Электр тармоқлари — 05
- Иссиқлик тармоқлари — 133-32-32, 56-45-24.
- Газ хизматлари — 04, 55-44-27, 05-44-27, 53-56-31, 53-56-19.

### Тез тиббий ёрдам хизматлари

- «Тез ёрдам»ни чақириш — 03.
- «03» бўйича навбатчилар — 136-73-60, 136-73-32, 34-80-57.

### Туманлар нимстанциялари

- Чилонзор — 1-болалар — 53-11-92.
- Собир Раҳимов — 2-болалар — 46-58-01.
- Шайхонтоҳур — 3-катталар — 41-23-49.
- Акмал Икромов — 4-катталар — 72-32-04.
- Мирзо Улуғбек — 5-катталар — 66-44-27 (28).
- Юнусобод — 6-болалар — 34-47-12.
- Яккасарой — 7-катталар — 53-39-72.
- Сергели — 8-болалар ва катталар — 58-36-85; 58-70-76.
- Чилонзор — 9-катталар — 116-73-88, 116-73-89.
- Шайхонтоҳур — 11-катталар — 43-26-68, 43-07-34.
- Мирobод (Ҳамза) — 12-катталар — 90-70-03.
- Собир Раҳимов — 13-катталар — 48-46-77, 48-37-29.
- Юнусобод — 14-катталар — 34-07-49.
- Ҳамза (Мирobод) — 15-болалар — 97-77-79.
- Бектемир — 16-катталар — 195-10-03.
- Дорихоналарнинг марказий маълумотномаси — 069.
- Соат 24.00 гача ишлайдиган дорихоналар — 50-93-22, 144-41-51.
- Кеча-кундуз ишлайдиган дорихоналар — 56-12-42, 162-68-23.

### Туман ҳокимликларининг қабулхоналари:

1. Акмал Икромов — 74-19-23.
2. Бектемир — 195-02-42, 195-02-46.
3. Мирobод — 133-29-86.
4. Мирзо Улуғбек — 68-94-04.
5. Собир Раҳимов — 29-00-93.
6. Сергели — 58-06-20.
7. Чилонзор — 77-00-94.
8. Ҳамза — 133-33-72.
9. Шайхонтоҳур — 41-04-50.
10. Юнусобод — 35-24-42.
11. Яккасарой — 55-74-49.

### Ижтимоий таъминот идоралари

- Шаҳар бошқармаси — 56-66-17.
- Акмал Икромов ТИТБ — 72-36-72.
- Бектемир — 90-44-17
- Мирobод — 56-54-96.
- Мирзо Улуғбек — 68-69-90.
- Сергели — 58-39-35.
- Собир Раҳимов — 48-19-03.
- Ҳамза — 67-82-90.
- Чилонзор — 77-87-10.
- Шайхонтоҳур — 40-43-28.
- Юнусобод — 35-52-04.
- Яккасарой — 50-53-36.

### Шаҳар газининг туманлардаги диспетчерлик хизматлари

- Акмал Икромов — 74-44-34.
- Бектемир — 92-90-04.
- Мирobод — 54-15-61.
- Мирзо Улуғбек — 67-46-24.
- Собир Раҳимов — 48-35-48.
- Сергели — 58-84-33.
- Чилонзор — 77-09-93.
- Ҳамза — 96-39-61.
- Шайхонтоҳур — 42-39-26.
- Юнусобод — 21-02-11.
- Яккасарой — 55-49-59.

### Милиция

- Шошилинч чақириш — 02.
- Мирobод ТИИБ — 191-58-02, 191-53-94.
- Мирзо Улуғбек — 67-33-50, 67-33-62.
- Юнусобод — 135-02-62, 133-24-25.
- Яккасарой — 53-17-76, 55-94-96.
- Шайхонтоҳур — 42-35-02, 44-59-09.
- Сергели — 58-08-54, 56-02-42.
- Ҳамза — 96-06-30, 96-60-81.
- Собир Раҳимов — 46-09-90, 48-40-69.
- Акмал Икромов — 72-99-57, 72-98-39.
- Бектемир — 195-02-39.

### Очиқ турдаги «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» акциядорлик жамияти

- Ташкилот ва муассасаларнинг телефонлари маълумотномаси — 09.
- Аҳоли телефонлари маълумотномаси — 009.
- Телефон тармоғи хизматлари бўйича маълумотнома — 064.
- Мирobод алоқа тармоғи — 55-04-25, 55-09-10.
- Мирзо Улуғбек алоқа тармоғи — 162-04-25, 162-09-10.
- Чилонзор алоқа тармоғи — 77-04-25, 77-09-10.
- Собир Раҳимов алоқа тармоғи — 29-04-25, 29-09-10.
- Ҳамза алоқа тармоғи — 35-04-25, 35-09-10.
- Янгиобод алоқа тармоғи — 97-04-25, 97-09-10.

### Шаҳарлараро ва халқаро алоқани бошқариш Маркази

- Шаҳарлараро сўзлашувлар учун буюртмалар қабули — 07,007.
- Яқин ва узоқ хорижни ҳам қўшган ҳолда шаҳарлар кодлари тўғрисида ахборот — 144-39-31, (34 гача), 139-49-10.
- Халқаро алоқа маркази маълумотномаси — 061.
- Халқаро сўзлашув пункти маълумотномаси — 144-30-43.

### Автовокзаллар

- «Самарқанд» — 54-14-49.
- «Тошкент» — 76-84-52.
- «Тошқишлоқмаш» — 68-29-53.
- «Келес» — 144-36-37.
- Темирйўллар маълумотномаси — 005.
- Темирйўл чипталарига буюртмалар — 063, 91-69-01, 91-69-03, 91-69-05.

### Аэропорт

- Самолётларнинг ҳаракати бўйича маълумотнома — 006.
- Бўш ўринларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумотнома — 066.
- «Ўзбекистон Ҳаво йўллари» МАК жадваллари бўлими — 133-03-10.
- «Трансаэро» авиакомпаниясининг маълумотномаси — 133-99-35, 133-76-38.

### Турли-туман зарур телефонлар

- Шаҳар зарарсизлантириш (дезинфекция) станцияси — 48-79-96, 48-79-88.
- Халқ банкининг шаҳар бошқармаси — 45-66-43.
- Об-ҳаво маълумотномаси — 001.
- Маиший хизмат маълумотномаси — 065.
- Таксига буюртма бериш — 062.
- Топилмалар бюроси — 50-05-79.
- Хайрли хизматлар — 77-73-15.
- Ишонч хизмати — 55-45-00.
- «Қора лола» маросимлар хизмати — 35-81-75, 34-34-01.
- Бахтсиз ҳодисалар бюроси — 133-28-14.
- Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси — 139-83-37.
- Дайди итларни тутиш хизмати — 47-92-77, 47-89-27.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-08. Босмага топшириш вақти 11.30 1 2 3 4 5 6